

ИННОВАЦИОН ЕТАКЧИЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОЙ - ПСИХОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ЎРГАНИЛГАНЛИГИ

Т.А.Нурабуллаев – таянч докторант

Ажсиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

Таянч сўзлар: инновацион фаолият, инновацион етакчилик, ижтимоий-психологик сифатлар, раҳбар типлари, педагогик инновация.

Ключевые слова: инновационная активность, инновационное лидерство, социально-психологические качества, виды деятельности, педагогические инновации.

Key words: innovative activity, innovative leadership, socio-psychological qualities, types of activities, pedagogical innovations.

Ҳозирги кунда, мамлакатимиз иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий тараққиёт, маданий ва маънавий янгиланишнинг улкан ва мураккаб жараёнларини бошдан кечирмоқда. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида жаҳон ҳамжамиятидан ўз ўрнини эгаллади. Кенг миқёсли ўзгаришларни амалга оширишда, ислохотларни чуқурлаштиришда раҳбар кадрларнинг дунёқараши, маънавияти, иқтидори, салоҳияти ҳамда бошқарув жараёнига янгиликларни мунтазам жорий этишга қаратилган, “инновацион етакчилик” каби хусусиятлар, бошқарув самарадорлигини таъминловчи омиллардан бири саналади. Юқорида қайд этилган, замонавий раҳбар шахслар муваффақиятига хос хусусиятлар ичида, инновацион етакчилик сифатлари алоҳида аҳамият касб этиб, унинг юқори даражада шаклланганлиги бошқарув ва ишлаб чиқариш соҳаларида, жаҳон андозаларига мос усулларни қўллаш ёки ўзгаришлар дунёсида яшаш қабилар билан тавсифланади. Инновацион фаолият кўплаб, ижтимоий психологик жиҳатлар, детерминанталар, компонентлардан ташкил топган бўлиб, уларни тадқиқ этиш муаммо борасидаги илғор концепциялар ва ёндошувларнинг ишлаб чиқилишига кенг имкон беради. Хориж тадқиқотчиси Р.А.Долженконинг айтишича, инновацион фаолият – ҳар қандай соҳада маҳсулот турларини кенгайтириш ва унинг сифатини ошириш, мавжуд бўлган технологияни такомиллаштириш ва ишлаб чиқаришни самарали ташкил этиш мақсадида амалга оширилган, янги шаклларни, усулларни, андозаларни, воситаларни ҳамда инновацияларни излаш ва уни амалиётга жорий этишга қаратилган фаолиятдир [1:149]. Шунингдек, инновацион фаолиятни муваффақиятли амалга оширишда зарур саналган, айрим ижтимоий-психологик сифатларнинг роли ҳақида ҳам ўзига хос қарашларни учратиш мумкин. Е.Н.Князованинг ёзишича, инновацион фаолият самарадорлигига таъсир кўрсатадиган энг муҳим ижтимоий-психологик сифатларга қуйидагилар киритилади [2:98]:

- Устунлик фазилатлари (тиришқоклик, креативлик, ижодкорлик);
- Ўзига ишонч (юқори даражадаги кўникма ва малакалар);
- Ҳиссий етуқлик (кучли даражада ривожланган эмоционал интеллект);
- Стрессга қаршилик кўрсата олиш;
- Ижодкорлик ва ютуққа интилиш истаги;
- Ташкилотга мансублик ҳисси;
- Жавобгарлик ҳиссининг устунлиги;
- Ишончлилик, мураккаб вазиятларда мустақил қарор қабул қила олиш қобилияти;
- Хушмуомалалик, самимийлик ва ҳоказо.

Юқоридаги таснифлардан шу нарса маълумки, инновацион фаолият шунчаки сифатлар мажмуи эмас, балки унда янгиликларни яратиш ва уни жорий этишни таъминловчи кўплаб психологик қобилиятлар зарур саналади.

О.С.Советованинг таъкидича, инновацион фаолият - бу бирор соҳада янги ва такомиллаштирилган усулларни ва воситаларни жорий этишга қаратилган комбинацион хатти-ҳаракатлар саналади [3:35]. Яъни инновацион фаолият мазмунида етакчи шахсига хос ўзини ўзи ривожлантириш, толерантлилик, масъулиятлилик,

ижтимоий фаоллик, коммуникативлик, юқори даражадаги социал интеллект ҳамда ишбилармонлик каби сифатлар инновацион фаолиятни ташкил этишнинг зарурий унсурларидан бири ҳисобланади. Ушбу фикрлардан фарқли ўлароқ, тадқиқотчи И.Шумпетер хулосаларига кўра, инновацияни фаолият – бу ишбилармонликка қаратилган ҳамда муваффақиятли бошқарув амалиётининг илмий ва ташкилий компонентлари сифатида талкин этилиши керак. О.П.Дуненкованинг аниқлашича, инсондаги ақлий ва интеллектуал фаолиятнинг хусусиятларига қараб қуйидаги тўрт типдаги раҳбар турларини ажартиб кўрсатади [4:58]:

- Консерватив - интуитив тип;
- Консерватив - аналитик тип;
- Инновацион - интуитив;
- Инновацион - аналитик тип.

Тасниф этилган раҳбарлик типлари ичида инновацион – аналитик тип энг муҳим саналиб, бундай раҳбарлар қорхона ёки ташкилотни ҳар қандай инкироз вазиятларида ҳам қорхона фаолиятини сақлаб қола оладилар. Чунки бундай раҳбар ўта креатив, қарор қабул қилишда тезкор, ҳар қандай оғир шароитда чидамли, ҳавф-хатарни олдиндан кўра оладиган шахслар саналади.

А.Л.Потеряхин ўзининг “Бошқарув психологияси” монографиясида, инновацион етакчи шахсга хос коммуникатив қобилиятнинг интеграл ва маҳаллий даражасини аниқлайди [5:85]:

- Интеграциялашган даражада - бунда коммуникация инсон учун ҳаётий фаолият мазмунини таъминлайди. Бу ерда қуйидаги функциялар мавжуд:
- Тартибга солувчи функция - бу функция ахборотларни тартибга солишга имкон беради. Яъни турли хил объектларнинг ўзаро таъсирларини режалаштириш, мувофиқлаштириш ва оптималлаштиришни амалга оширади;
- Ижтимоий назорат функцияси - бу мулоқотдаги биргаликдаги ҳаракатлар яхлитлигини ва уни мувофиқлаштиришни таъминлайди;
- Ижтимоийлаштириш функцияси - бу инсоннинг таълим олиши ва маънавий етуқлиги учун хизмат қиладиган функцияси саналади. Ушбу таснифдан фарқли равишда, Н.А.Ильинанинг сўзларига кўра, бошқарув соҳасида инновацияларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

- Техник ва технологик мазмундаги инновациялар - янги ишлаб чиқариш воситалари ва янги технологиялар;
- Ташкилий-бошқарув соҳасига оид инновациялар - янги ташкилий тузилмалар ва жамоани бошқаришнинг янги усуллари, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш;
- Ижтимоий-иқтисодий мазмундаги инновациялар - янги моддий рағбатлантириш, иш ҳақини тўлаш билан боғлиқ янгича ёндошув. Демак, инновацион фаолият ўз мазмунида, турли хил инновацияларга бўлган мойиллик билан характерланади. Яъни раҳбар шахслар турли соҳаларга қаратилган инновациялар ва янгиликлар билан фаолият самарадорлигини ошириб борадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, инновацион фаолиятни ижтимоий-психологик жиҳатдан тадқиқ

етишнинг ўзига хос ёндошувлари ҳам фарқланиб, бунга мисол тариқасида педагогик фаолиятнинг инновацион хусусиятларини мисол қилиш мумкин.

А.Н.Занковскийнинг айтишича, етакчи шахсларнинг инновацион фаолиятга тайёрлигининг қуйидаги жиҳатлари ажартилади:

– Когнитив тайёргарлик жиҳат- касбий вазифаларни яхши тушуниш, уларнинг аҳамиятини баҳолай олиш, ечимлар қийматини англаш, иш муҳитидаги ўзгаришларни амалга ошириш ҳақидаги ғояларга эга бўлиш;

– Ҳиссий жиҳат - касбий шараф ва масъулият ҳисси, муваффақиятга ишонч, илҳомнинг мавжудлиги;

– Мотивацион жиҳат - биринчи меҳнат вазифаларини муваффақиятли бажариш зарурати, уларни ҳал қилиш жараёнига қизиқиш, муваффақиятга эришиш ва ўзини энг яхши томондан кўрсата олиш истаги;

– Кучли иродалилиқ – ўз куч-қувватини сафарбар қила олиш, шубҳаларни енга билиш. Баъзи тадқиқотчилар ўз изланишларида инновацион етакчи шахсларни “трансформацион тип” га мансуб кишилар сифатида қайд этадилар. Ушбу типга мансуб кишилар нафақат ташкилот ёки тизимни янги илғор бошқарув усуллари ва шакллари билан бойитадилар балки, ташкилот муҳидаги маданиятга, муносабатларга ҳам қатта ўзгаришлар олиб келади. Н.В.Сербиновскаянинг айтишича, трансформацион типдаги инновацион етакчи қуйидаги сифатларга эга ҳисобланади [6:78]:

– Ўзига ишонч;

– Бошқа одамларнинг эҳтиёжлари ва талабларига кучли эътибор бериш;

– Стратегик фикрлаш қобилияти;

– Бошқа инсонларнинг муайян ҳодиса ва ҳолатларга бўлган муносабатларини тез идрок этиш қобилияти;

– Ўз қўл остидаги ходимларга индивидуал ёндашувдан ҳолда, уларни мунтазам қўллаб –қуваатлаш бориш малакаси;

– Вазифаларга илҳомлантирувчи мотивациянинг устунлиги;

– Ўзини ўзи интеллектуал рағбатлантира олиш қобилияти ва ҳоказо.

Демак, юқорида келтирилган таснифларга кўра, инновацион етакчи сифатида тан олинган шахс авваламбор, ўз характерологик сифатларида стратегик фикрлар қобилияти ва вазиятларни тез идрок эта билиш каби компетенцияларга эга бўлишлари лозим ҳисобланади. Юқоридаги ёндошувлардан фарқли равишда, инновацион етакчи шахснинг ижтимоий – психологик сифатларини таҳлил этишда, хавф-хатар вазиятида қўлланувчи таваккал қила олиш қобилияти тўғрисидаги баъзи тадқиқотлар ҳам мавжуд. Яъни хавф-хатар вазиятида, омилларни сифат жиҳатдан баҳолашга хизмат қилувчи, ўзига хос шахслик сифатлари мавжудлиги таъкидланади.

Тадқиқотларда инновацион етакчи шахсига тегишли “инновацион потенциал (даража)” феномени ҳам ажратилади. О.Б.Михайлова ўзининг “Шахс инновацион потенциалининг методологик масалалари” мавзусидаги илмий мақоласида, инновацион етакчи шахсга хос қуйидаги аҳамиятли сифатлар мавжудлигини ажратиб ўтади. Яъни уларга [7:71]:

– Кредитлик (тафаккур сифати бўлиб, янги ғояларни яратишга хизмат қилади);

– Яратувчанлик хусусияти;

– Интеллектуал фаоллик;

– Мотивацион-кадриятли соҳанинг усутнлиги;

– Фаолиятнинг динамик фаоллиги ва бошқалар.

Ушбу келтирилган таснифларга мувофиқ, шахс фаолияти унинг ҳаёт йўлининг зарурий шарт сифатида тавсифланган. Шунингдек, ишлаш функцияси тирик организмларнинг ҳаёт тарзи эканлиги ёки у орқали

инсон ўзини такомиллаштириб бориши назарда тутилади. Инновацион фаолиятнинг ижтимоий-психологик таҳлил этишнинг ўзига хос мезонлари мавжуд бўлиб, унда ҳар бир тадқиқотчи қуйидаги жиҳатларга эътибор бериши лозим ҳисобланади:

– Муаммони аниқлаш, таҳлилнинг мақсад ва вазифаларини шакллантириш;

– Таҳлил қилиш учун вақтинчалик ижодий гуруҳни шакллантириш;

– Таҳлил дастури лойиҳасини ишлаб чиқиш;

– Ташкилот учун мақсадлар, гуруҳ, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, таҳлил дастури тўғрисида буйруқ тайёрлаш ва уни нашр этиш;

– Ишни бажариш усуллари танлаш;

– Зарур маълумотларни, ҳужжатларни тўплаш ва қайта ишлаш;

– Юқорида санаб ўтилган вазифалар ва кўрсаткичлар тизимини таҳлил қилиш;

– Бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш, мувофиқлаштириш ва тасдиқлаш ва ҳоказо. Мазкур сифатлар бошқарув фаолиятида етакчилик қобилиятини таъминловчи ижтимоий –психологик детерминанталар ҳисобланади. Баъзи тадқиқотларда, етакчилик феномени ижтимоий фаол ёшларнинг бошқарув фаолиятига хос характерологик сифатлари билан тушунтирилган бўлиб, унда ижтимоий фаол, етакчи ёшларга хос айрим қобилият турлари ҳақида ҳам сўз боради.

Қўпчилик психологлар бошқалардан фарқли ўларок, етакчилик феноменини шахснинг психологик тузилиши ва характер типлари орқали тушунтиришга ҳаракат қилишади. Е.В.Никифированинг сўзларига кўра, етакчи шахслар қуйидаги умумпсихологик сифатларга эга бўлиши лозим: [8:82].

– Янги билимларга нисбатан эътиборлилиқ ва юқори интеллектуал фаолликка эга бўлиш;

– Тасаввур этишдаги зукколик;

– Кучли шахсий энергия ва ҳаракат иродасига эга бўлиш;

– Ақл ва сезгининг уйғунлиги;

– Мақсадга эришиш зарурати юқорилиги;

– Кучли даражада таваккал қилишга мойиллик ва бошқалар.

Юқорида қайд этилган етакчи шахсларга тегишли психологик сифатлар, ўзига хос характерологик қобилиятлар йиғиндиси саналиб, уларсиз бирор бир фаолиятда бошқарув самарадорлигига эришиш мумкин эмас. В.М.Панкратов ўз изланишларида муваффақиятли раҳбарлар учун хос бўлган қатор ижтимоий-психологик, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий функциялар турига тўхталиб ўтар экан, уларни қуйидагиларга ажратади [9:50]:

– Раҳбарнинг режалаштириш функцияси;

– Раҳбарнинг рағбатлантириш ва жазолаш функцияси;

– Ижтимоий қўллаб-қувватлаш функцияси;

– Раҳбарнинг сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий функцияси;

– Раҳбарнинг мақсад қўйиш, стратегик режалар ишлаб чиқиш функцияси;

– Касбий мотивацияга йўналтириш, қизиқиш уйғотиш функцияси;

– Қонун ва қарорлардан оқилона фойдаланиш ва у орқали ҳимояланишга қаратилган ҳуқуқий функцияси ва бошқалар. Умуман олганда, инновацион етакчилик муаммосининг назарий таҳлилидан қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

1.Инновацион етакчилик феномени фанлараро тадқиқ этилувчи мураккаб жараён ҳисобланиб, унда ижтимоий фанларда кўриб чиқилган бошқарув фаолияти ҳамда инновацион етакчи шахсга хос бўлган ижтимоий –психологик хусусиятлар борасидаги, турли

концепциялар, ёндошувлар мазмунидан келиб чиқиш лозим саналади.

2. Инновацион етакчилик метапсихологик жараён хисобланиб, унда умумпсихологик, ижтимоий-психологик, педагогик-психологик, ташкилий

психологик жиҳатлар ўз аксини топган. Шу боис, ушбу тушунча таҳлилида кўплаб психологик ўзига хосликлар, характерологик сифатлар, психологик детерминанталар, услубий жиҳатларга ҳам эътибор қаратиш ўринли саналади.

Адабиётлар

1. Долженко Р. А. Инновации в системе управления персоналом организации / Р. А. Долженко ; развитие персонала // АГАУ. Вестник Алтайского аграрного университета. – 2013. – № 1. – С. 149-153.
2. Князева Е. Н. Природа инноваций и некоторые проблемы инновационного управления / Е.Н. Князева // Управление: социально-философские проблемы методологии и практики / под общ. ред. О. Я. Гелиха, В. П. Соломина, К. В. Султанова, А. В. Тихонова. – СПб.: Издво «Книжный дом», 2005. – С. 98 – 99.
3. Советова О.С. Социальная психология инноваций (основания, исследования, проблемы) // автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора психологических наук, 1998. – С.35.
4. Дуненкова О.П. Роль инновационной направленности руководителя в повышении эффективности деятельности трудового коллектива: Дис. канд. филос. наук. М., 2 изд. -ЛЮКС- 2004. – С.58
5. Потеряхин А.Л. Психология управления. Основы межличностного общения. – К.: ВИРА-Р, 1999. – С.85.
6. Сербиновская Н.В. Психология инновационной деятельности. Курс лекций. Шахты: Южно-Российский государственный университет экономики и сервиса, 2012. – С.78.
7. Михайлова О. Б. Методологические основы исследования инновационного потенциала личности// Вестн. Университета (Гос.ун-т управления). 2010. №21. – С. 71–75.
8. Никифорова Е.В. Социология и психология управления. М.: Московский институт экономики, менеджмента и права, 2007. – С.82.
9. Панкратов В. Н. Психотехнология управления людьми : практ. рук. / А. Н. Панкратов, В. Н. Панкратов. М. : изд-во Института психотерапии, 2004. – С.50.

РЕЗЮМЕ. Мақолада инновацион етакчилик фаолияти психология соҳаларида, шунингдек ижтимоий-психологик тадқиқотларда ўрганилганлиги ва тадқиқотчиларнинг инновацион етакчилик фаолияти ҳақидаги фикрлари ёритилган.

РЕЗЮМЕ. В статье рассматриваются исследования инновационной лидерской деятельности в области психологии, а также социально-психологические исследования и мнения исследователей об инновационной лидерской деятельности.

SUMMARY. The article deals with the research of innovative leadership activity in the field of psychology, socio-psychological research, as well as the opinions of researchers on innovative leadership activity.

ZAMONAVIY SHAROITDA YOSHLAR O'RTASIDA EKSTREMIZM VA TERRORIZMNING OLDINI OLISH VA HUQUQIY MADANIYATNI OSHIRISH BO'YICHA YEVROPA TAJRIBASI

T.M.Reymov – magistrant

O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti

Tayanch so'zlar: ekstremizm, terrorizm, jinoiy javobgarlik, noqonuniy qurol, kriminalistika, xavfsizlik, separatizm, ziddiyatli vaziyatlar, laynerlar.

Ключевые слова: экстремизм, терроризм, уголовная ответственность, незаконный оборот оружия, криминология, безопасность, сепаратизм, конфликтные ситуации, лайнеры.

Key words: extremism, terrorism, criminal liability, arms trafficking, criminology, security, separatism, conflict situations, liners.

Xalqaro hamjamiyat tomonidan ko'rilayotgan chora-tadbirlarga qaramay, dunyoda ham global, ham mintaqaviy terrorchilik tahdidi darajasi yuqorilgicha qolmoqda. Xalqaro terroristik tashkilotlarning suveren davlatlarda ichki nizolarni qo'zg'atishda faol ishtirok etishga intilishi qayd etilib, bu ichki va xalqaro ekstremizm va terrorizm o'rtasidagi chegaralarni bosqichma-bosqich yo'qotishga, ularning turli mamlakatlardagi ijtimoiy-siyosiy vaziyatga ta'sirini kuchaytirishga xizmat qilmoqda. Shu bilan birga, zamonaviy dunyoda globallashtiruv yoshlar hayotiga bevosita va kuchli ta'sir ko'rsatmoqda, chunki u jadallashgan ijtimoiy bo'linishga olib keladi, uning qurbonlari birinchi navbatda yoshlardir. Natijada yoshlarning maqomi tubdan o'zgarib bormoqda, demak, davlatimiz tomonidan olib borilayotgan yoshlarga oid siyosat ham o'zgarishi kerak.

Bugungi kunga kelib, dunyoda eng keng tarqalgani diniy motivli ekstremizmdir. Zamonaviy ekstremizm zamonaviy davlatlar uchun jiddiy muammodir, chunki uning salbiy ta'siri birinchi navbatda yoshlarga ta'sir qiladi. So'nggi yillarda turli mamlakatlarda ekstremistik qarashlar asosida sodir etilayotgan zo'ravonlik va jinoyatlarning ko'payishi milliy davlatlarning ekstremizmining oldini olish siyosati va unga qarshi kurashish vositalari yetarli emas yoki eskirganligini ko'rsatmoqda. Bu muammoni hal qilishning yanada samarali mexanizmlari va yangicha yondashuvlari zarur. Mutaxassislarining qayd etishicha, terrorchilik tahdidi ma'lum darajada uyushgan guruhlardan aniqlash qiyinroq va harakatlarini oldindan aytish qiyinroq bo'lgan shaxslarga o'tgan. Keyingi fojialarning oldini olish uchun biz terrorizm va ekstremizmga qarshi kurashish qobiliyatimizni ushbu yangi chaqiruvga moslashtirishimiz kerak. Bizning javobimiz radikalashuvga olib keladigan jarayonlarni chuqurroq o'rganish va tushunishga asoslangan bo'lishi kerak. Potensial jihatdan diniy ekstremizm xavfi

barcha mamlakatlarda mavjud. U turli shakllarda paydo bo'lishi mumkin. Bundan buyon diniy ekstremizm terrorizmga qarshi kurash siyosatining markazida bo'lishi kerak. Ammo bu murakkab vazifaning mohiyati bugungi kunda huquqni muhofaza qilish organlari qo'llayotganidan boshqacha yondashuvni talab etadi. Buning o'rniga, bu hodisalarning oldini olish va ularga qarshi kurashish uchun bizga kattaroq javob kerak. Diniy ekstremizm va radikalashuv muammolari xalqaro miqyosda, lekin ko'pincha ularning yechimlari mahalliydir [1].

Ilg'or xorijiy tajribani o'rganish shuni ko'rsatadiki, Yevropa Ittifoqida yoshlar "Lissabon o'sish va bandlik strategiyasi – 2020"da qayd etilganidek, "mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirishning strategik resursidir". Ma'lumki, ekstremistik tashkilotlarga jalb etilgan yoshlarning asosiy qismini aholining kam ta'minlangan, o'qimagan qatlami tashkil etadi. Shunday qilib, yoshlar ekstremizmining kuchayishi, birinchi navbatda, yoshlarni moslashtirish va ijtimoiylashtirish siyosati muvaffaqiyatsizlikka uchraganligidan dalolat beradi. Ijtimoiy beqarorlik, og'ir moliyaviy ahvol, samarali ijtimoiylashuv va sifatli ta'lim olish imkoniyatining yo'qligi, past ish istiqbollari kabi omillar ijtimoiy ishonchsizlik va siyosiy institutlar va hokimiyatlarga ishonchsizlik hissini keltirib chiqaradi. Natijada ongida g'ayriijtimoiy qarashlar, ekstremistik ko'rinishlarga moyillik yuzaga keladi. Boshqa tomondan, amaliyot shuni ko'rsatadiki, siyosiy va diniy ekstremistlar orasida bilimlilar, jamiyatga integratsiyalashgan boshqa turdagi radikalashuv paydo bo'lgan. Shu bilan birga, bilimlilar bilimsizlarning yetakchisi va tashkilotchisiga aylanadi. Bu davlat uchun qo'shimcha qiyinchilik. Chunki ekstremistlarning ikkala guruhiga ham bir xil vositalarni qo'llash mumkin emas. Biroq, ko'plab ekspertlarning ta'kidlashicha, har ikkala turdagi radikalashuv, ularning madaniy va